

**Акциядорлик жамияти шаклидаги «Uzsalaman» Ўзбекистон-Германия кўшма
корхонаси кузатув кенгашининг
БАЁННОМАСИ**

Мажлис ўтказилган жой: Тошкент шаҳар, Тамарахонум кўчаси, 7.

Мажлис ўтказилган сана ва вақт: 2016 йил 30 ноябрь, соат 16:00.

Мажлисида иштирок этганлар:

1. Ишанкулов Раж Мунавварович – Кузатув кенгаши раиси;
2. Маматов Шавкат Кувонвич – Кузатув кенгаши аъзоси;
3. Худояров Бахтиёр Ишмуминович – Кузатув кенгаши аъзоси;
4. Хашимов Обид Тулаганович – Кузатув кенгаши аъзоси;
5. Хасанов Махаммад Карим Муратович – Кузатув кенгаши аъзоси;
6. Рустамбеков Давлатбек Пулатович – Кузатув кенгаши аъзоси;
7. Ишанкулов Мухаммад-Саид Мунавварович – Кузатув кенгаши аъзоси.

Кворум 100%

Таклиф этилганлар:

Жамият бош директори – Абдуллаев Р.А.

Жамият бош бухгалтери – Тешабоев И.Ю.

Жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси – Қосимов У.С.

Мажлисни очиш учун кузатув кенгаши раиси Р.М. Ишанкулов сўзга чиқди ва мажлис иштирокчиларига қуйидаги кун тартибини тасдиқлаш таклифини киритди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг 2016 йил тўққиз ойи яқунлари бўйича молиявий ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.

2. Жамият тафтишчисининг 2016 йил тўққиз ойи яқунлари бўйича жамият томонидан тузилган йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар юзасидан хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.

3. Жамиятнинг 2017 йилга мўлжалланган Бизнес режасини тасдиқлаш тўғрисида.

4. Жамият кузатув кенгашининг иш режасини тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартиби мажлис иштирокчилари томонидан бир овоздан тасдиқланди.

1. Кун тартибидаги биринчи масала бўйича жамият кузатув кенгаши раиси Р.М. Ишанкулов мажлис иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун талабларига кўра жамият бошқарувининг чораклик ҳисоботлари жамият кузатув кенгаши томонидан мунтазам эшитиб борилиши шарт.

Шунга кўра сўз жамият бош бухгалтери И.Ю. Тешабоевга берилди.

И.Ю. Тешабоев 2016 йил тўққиз ойи яқунлари бўйича молиявий ҳисоботлар – бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни мажлис иштирокчилари эътиборига ҳавола қилди.

Унга кўра жамият активлари 2016 йил 01 ноябрь ҳолатига 7 892,6 млн. сўмни ташкил этиб, ҳисобот йили бошидаги кўрсаткичига қараганда 747,9 млн. сўмга ошган.

Жамият мажбуриятлари ҳисобот кунида 1 937 млн. сўмни ташкил қилиб, йил бошидаги кўрсаткичига нисбатан 98,9 млн. сўмга ортган.

Ҳисобот даврида жамиятнинг махсулотларни сотишдан соф тушуми миқдори 4 494 585 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,12 мартта, ялпи фойда эса 1 448 756 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,13 мартта ортган.

Ҳисобот даврида жамият томонидан 430 357 минг сўм миқдорида соф фойда олинган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,03 баробар ортган.

Шундан сўнг жамият бош директори Р.А. Абдуллаев сўзга чиқиб жамият томонидан 2016 йилнинг тўққиз ойи давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди ва мажлис иштирокчиларига жамиятнинг 2016 йилнинг тўққиз ойи якуни бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (ҳисобот илова қилинади).

Кун тартибидаги ушбу масала мажлис иштирокчилари томонидан муҳокама қилинган, мажлис раиси Р.М. Ишанкулов кузатув кенгаши аъзоларига қуйидаги қарор матни учун овоз беришни таклиф этди:

1.1. Жамиятнинг 2016 йил тўққиз ойи якуни бўйича ҳисоботи 1-иловага асосан тасдиқлансин.

1.2. Жамият ижроия органининг 2016 йил тўққиз ойи якуни бўйича фаолияти қониқарли деб топилсин.

Ушбу қарор бўйича овоз бериш натижалари:

Рози – 7 та овоз ёки 100%, Норози – йўқ, Бетараф – йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича қабул қилинган қарор:

1.1. Жамиятнинг 2016 йил тўққиз ойи якуни бўйича ҳисоботи 1-иловага асосан тасдиқлансин.

1.2. Жамият ижроия органининг 2016 йил тўққиз ойи якуни бўйича фаолияти қониқарли деб топилсин.

2. Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан жамият кузатув кенгаши раиси Р.М. Ишанкулов сўзга чиқиб, мажлис иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ҳамда жамият уставига асосан жамият фаолиятининг ҳар чорак якунлари бўйича жамият тафтиш комиссиясининг жамият томонидан тузилган йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар юзасидан ҳулосаси кузатув кенгаши томонидан эшитиб борилади ва тасдиқланади. Шулардан келиб чиқиб, сўз жамият тафтишчиси Талипова Н.А.га берилди.

Талипова Н.А. сўзга чиқиб, мажлис иштирокчиларига тафтиш комиссиясининг 2016 йил 3-чорак якунлари бўйича жамият томонидан тузилган йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ҳулосасини ўқиб эшиттирди.

Ушбу масала кузатув кенгаши аъзолари томонидан муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг, мажлис раиси кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан қуйидаги қарорни овозга қўйди:

2. Жамият тафтиш комиссиясининг 2016 йил 2-чорак якунлари бўйича жамият томонидан тузилган йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ҳулосаси тасдиқлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича овоз бериш натижалари:

Рози – 7 та овоз ёки 100%, Норози – йўқ, Бетараф – йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича қабул қилинган қарор:

2. Жамият тафтиш комиссиясининг 2016 йил 2-чорак якунлари бўйича жамият томонидан тузилган йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ҳулосаси тасдиқлансин.

3. Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан жамият кузатув кенгаши раиси Р.М. Ишанкулов қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва жамият устави талабларига кўра жамиятнинг йиллик бизнес режасини тасдиқлаш жамият кузатув кенгаши ваколатига киритилган.

Жамият ижроия органи томонидан жамиятнинг 2017 йилга мўлжалланган Бизнес режаси мажлис иштирокчиларига тақдим этилди (Бизнес режа илова қилинади).

Мажлис иштирокчилари ушбу масалани муҳокама қилиб, Бизнес режага тегишли ўзгартиришлар, хусусан харажатлар қисмига, киритиш таклифини бердилар.

Муҳокамалардан сўнг, мажлисда раислик қилувчи қуйидаги қарор матнини овозга қўйди.

3. Жамиятнинг 2017 йил учун мўлжалланган Бизнес режаси кузатув кенгаши аъзоларининг ўзартиришларини инобатга олган ҳолда 2-иловага асосан тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича овоз бериш натижалари:

Рози – 7 та овоз ёки 100%, Норози – йўқ, Бетараф – йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича қабул қилинган қарор:

3. Жамиятнинг 2017 йил учун мўлжалланган Бизнес режаси кузатув кенгаши аъзоларининг ўзартиришларини инобатга олган ҳолда 2-иловага асосан тасдиқлансин.

4. Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан Р.М. Ишанкулов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва жамият устави талабларидан келиб чиқиб, кузатув кенгашининг 2017 йил учун иш режасини тасдиқлаб олиш таклифини киритди.

Кузатув кенгашининг 2017 йил учун мўлжалланган иш режаси кузатув кенгаши аъзолари томонидан ўрганиб чиқилди. (Кузатув кенгашининг иш режаси илова қилинади)

Мажлис иштирокчилари томонидан ушбу масала муҳокама қилиниб, қуйидаги қарор матни овозга қўйилди.

4. Жамият кузатув кенгашининг 2017 йилга мўлжалланган иш режаси 3-иловага асосан тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича овоз бериш натижалари:

Рози – 7 та овоз ёки 100%, Норози – йўқ, Бетараф – йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича қабул қилинган қарор:

4. Жамият кузатув кенгашининг 2017 йилга мўлжалланган иш режаси 3-иловага асосан тасдиқлансин.

Қабул қилинган қарор эълон қилинганидан сўнг, кузатув кенгаши мажлиси ёпиқ деб эълон қилинди. Ушбу мажлис баённомаси икки нусхада тузилди ва 2016 йил __ декабрь куни имзоланди.

Кузатув кенгаши раиси:

Р.М. Ишанкулов

Кузатув кенгаши аъзолари:

Ш.К. Маматов

Б.И. Худояров

О.Т. Хашимов

Д.П. Рустамбеков

М.М. Ишанкулов

Мажлис котиби, кузатув кенгаши аъзоси

М.М. Хасанов